Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 25 июль 1969 йил, жума ● № 171 (14.334). ● Баҳоси 2 тийин.

Л. И. Брежнев ва Н. В. Подгорний ўртоқлар Варшавадан қайтиб келишди

КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари ўртоқ Л. И. Брежнев билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний 23 июль куни Варшавадан Москвага қайтиб келишди. Улар Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети билан ПХР давлат кенгашининг таклифига биноан халқ Польшасининг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда иштирок этдилар. (ТАСС).

СОВЕТ ВА ЧЕХОСЛОВАКИЯ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

1969 йил 23 июль куни Варшавада Халқ Польшасининг 25 йиллигини байрам қилишда қатнашган Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси партия ва давлат раҳбарлари ўртасида дўстона учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний, ЧССР Президенти ўртоқ Л. Свобода ва ЧКП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Г. Гусак қатнашдилар.

Учрашув қатнашчилари КПСС билан ЧКП, Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантиришнинг актуал масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар.

Совет ва Чехословакия раҳбарларининг суҳбати самимийлик ва қардошларча дўстлик руҳида ўтди.

180.000 ТОННА ДОН

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Партиямиз XXIII съезди, КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) ва октябрь (1968 йил) Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб ҳамда В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани қизитиб республикамиз колхоз ва совхозлари жуда катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар дон тайёрлаш планини муддатидан илгари, 24 июлда бажардилар. Давлат омборларига 180 минг тонна буғдой ва арпа тўкилди. Сурхондарё области давлатга 20 минг тонна ёки 3,3 йиллик план миқдорида дон топширди. Қашқадарё областининг хўжаликлари давлатга 65,4 минг тоннадан кўпроқ дон сотдилар ёки планни 128 процент адо этдилар. Тошкент области 15 минг тонна ёки пландан ташқари 107,7 процент миқдорида дон топширди. Самарқанд области хўжаликлари ҳозиргача давлатга 39 минг тонна, Сирдарё области — 28,4 минг тонна дон сотиб, ўрим-йиғимни муваффақиятли давом эттирмоқдалар.

Наманган, Бухоро, Фарғона ва Андижон областларининг хўжаликлари давлатга пландан ташқари дон сотмоқдалар.

Бу йилги қиш ва баҳорда рўй берган қийинчиликларни енгиб, 1969 йилда дон етиштиришни анча кўпайтириш юзасидан социалистик мажбуриятлар қабул қилиб ишлаётган йирик ғаллакор районларнинг ташаббусига қўшилиб, республикадаги кўпгина колхоз ва совхозларнинг ғаллакорлари фидокорона меҳнат туфайли бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил етиштирдилар ,ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар ва улар дон сотиш бўйича давлат план-заказларини анча ошириб адо этдилар.

Бойсун, Шеробод, Денов, Сариосиё, Шўрчи, Жарқўрғон, Термиз районлари давлатга 2-3 йиллик ва ундан ҳам кўп дон етказиб бердилар.

Косон, Қарши ва Задарё районларининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга дон сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар. Ғузор, Қамаши, Булунғур, Яккабоғ, Ўрта Чирчиқ, Ургут, Ильич, Самарқанд, Нарпай, Бўка, Бекобод, Ойдарё, Пахтаорол районлари дон сотиш планларини анча ошириб адо этишди.

Самарканд областидаги Ильич номли, Тошкент областидаги «Ғаллақудуқ», «Ленинград», Тошкент наслчилик совхози, 1-«Оҳангарон», Қашқадарё областидаги Охунбобоев номли, «Шаҳрисабз», «Восход», «Кўкдала», «Ғузор», «Пачкамар», «ВЛКСМ 50 йиллиги», Сурхондарё областидаги «Работ», «Ўзбекистон» совхозлари, Ғузор районидаги Карл Маркс номли, Охунбобоев номли, Чироқчи районидаги Ленин номли, «Коммуна», Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли, Жданов номли, Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли, «Ленинский путь» колхозлари ва бошқа кўпгина хўжаликлар дон тайёрлаш планларининг анча ошириб бажарилишига эришдилар.

Ғалла ўрим-йиғимида механизаторлар жасорат кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Пастдарғом районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхози комбайнчилари И. Примов, Б. Ҳазратқулов, Самарқанд областидаги «Каттақўрғон» совхозидан Б. Ризаев, «Қорадарё» совхозидан И. Буренков, Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхоздан Т. Раззоқов, «Ховос» совхозидан М. Назаров, Зомин районидаги «Ударник» совхозидан Г. Патуллаев ва И. Аджизипаев, Сурхондарё областидаги «Бойсун» совхозидан Б. Ҳасанов, «Сайроб» совхозидан Жумаев, Қашқадарё областидаги «Кўкдала» совхозидан Х. Қодиров, Охунбобоев номли совхоздан Э. Шайманов ва бошқалар айниқса юксак кўрсаткичларга эришдилар, улар ҳар куни 10-15 гектар майдондаги ғаллани ўриб-янчиб бермоқдалар.

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари ва аралаш озуқа саноати министрлигининг тайёрлов пунктлари янги дон ҳосилини қабул қилишни яхши ташкил этдилар .Дон ташишда ихтисослаштирилган автобазалар ва Ўзбекистон автомобиль транспорти ҳамда тош йўллар министрлигининг автобазалари, шунингдек «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси катта ёрдам кўрсатаётирлар.

Ғалла ўрим-йиғими ва олинган социалистик мажбурият ҳисобига давлатга дон сотиш қизғин давом этмоқда.

Республикамиз ғаллакорлари етиштирилган барча ҳосилни қисқа муддатларда ва нес-нобуд қилмасдан ўриб-янчиб олиш, уруғлик фонди ва ем фондини тўла жамғариш, кузги дон экишга яхши тайёргарлик кўриш ва уни қисқа муддатларда тамомлашга қаттиқ бел боғлаганлар.



УРГАНЧ районидаги Калинин номли колхознинг Матёқуб Қурбонов бошлиқ бригадасида ғўзалар мавж уриб ўсмоқда. Сиз бу суратда экин қатор оралари культивация қилинаётган пайтни кўриб турибсиз.
Р. Жуманиёзов фотоси.

ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

ГОРЬКИЙ, 23 июль. (ЎзТАГ махсус мухбири).

РСФСРда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ҳозир ғўзал Волга соҳилларида тантана қилмоқда. Ҳаққоний равишда Россиянинг асосий қўчаси деб аталувчи шу азим дарё соҳилларида юртдошларимизнинг қардош республика меҳнаткашлари билан қувончли учрашувлари ўтмоқда. Шундай учрашувлардан бирида Ўзбекистон маданияти арбоблари машҳур «Волга» автомашиналарининг ижодчилари ҳузурида меҳмон бўлдилар.

Декада қатнашчилари машиналардан гўшмай Горький автомобиль заводининг территориясини кўздан кечириб чиқишлари учун ҳам анча вақт керак бўлди. Биринчи беш йилликнинг тўнгич корхонаси аллақачон катталашиб, эндиликда улкан цехларининг корпуслари эгаллаган майдонга бутун бир шаҳар бемалол жойлашолган бўларди.

Завод директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати И. И. Киселев Ўзбекистондан келган меҳмонларга автомобилсозларнинг меҳнат зафарлари тўғрисида гапириб берди.

Декада қатнашчилари «Волга»лар бунёд бўладиган бош конвейерда бўлдилар. Улар неча юзлаб тайёр автомобиллар орасида мажнун машина янги моделининг тажриба намуналарини ҳам кўрдиларки, улар нафислиги ва двигатели қувватининг оширилганлиги билан ажралиб турарди. Ишчилар Ўзбекистон вакилларига мамнуният билан маълум қилдиларки, завод коллективи Ленин юбилейи шарафига ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажарар экан, яқин фурсатда янги маҳсулотни қўплаб ишлаб чиқара бошлайди.

Тушлик танаффус пайти йиғув цехининг кенг клуб залига йиғилган неча юзлаб ишчилар декада қатнашчиларини самимий табрикладилар. Уларнинг номидан йиғувчи Татьяна Числова Ўзбекистон маданияти арбобларини декада муваффақиятли бошланганлиги билан табриклади.

— Биз халқларимиз дўстлиги мустаҳкамланиб бораётганлигидан. Ильич туғилган куннинг юз йиллигига барча ҳодимларимиз ўз ҳаётларининг ҳамма соҳаларида эришилган катта-катта муваффақиятлар билан келаётганликларидан жуда хурсандмиз.— деди ёш ишчи.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова Совет Ватани қудратини янада мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссалари учун Горький автомобилсозларига қизғин миннатдорчилик билдирди.

Автомобиль заводининг йиғув цехида ва бошқа цехларида Ўзбек қўйлари тантанавор янгради Республика санъати усталари шоду-ҳуррам мезбонларга ўз қўшиқ ва рақсларини ҳадя этдилар.

Шу дамларда Горькийдаги бошқа бир катта корхона — яқинда ўзининг 120 йиллигини нишонлаган «Красное Сормово» заводи ҳам Ўзбекистон маданият арбоблари ижодий ҳисоб берган жой бўлиб қолди.

Декада қатнашчилари билан ҳар бир учрашув халқлар дўстлиги байрамига айланиб кетмоқда.

МЎЛ ҲОСИЛ ТЎПЛАЯПМИЗ

1220 гектар ерга чигит экиб, нихолларни тўла ундирган эдик. Экин куннинг бир яшнаб, кўзларни қувонтирянти. Ғўза тупларида ғуж-ғуж гул ва кўсаклар пайдо бўлмоқда. Ҳосил тугунчалари тағин ҳам кўпаяди. Бунинг учун биз еримизнинг шароитига, ғўзанинг талабига ва ўсишига қараб суғоришни жуда эҳтиётлик билан ўтказмоқдамиз.

Суғоришни икки сменада ташкил қилиб, ёш сувчиларни тажрибали мирошкорларга биркитиб қўйдик. Улар сувни группа усулида тарамоқдалар. Ғўзани суғориш звено бошлиқларининг ўзларига юклатилган. Суғориш муддатини белгилаш ихтиёри ҳам ўшаларда. Чунки, звено бошлиқлари ерларининг шароитини яхши биладилар. Сувчилар учун кунлик норма белгиладиқ. Сув қўйиш нормаларини аъло даражада бажарганликлари учун уларнинг меҳнатига қўшимча ҳақ тўланади. Масалан, уста сувчи значогини олганлар ва биринчи класс сувчиларга 10 процентдан 15 процентгача қўшимча ҳақ беришга қарор қилдик.

Колхозимиз далаларида 25-26 та чопиқ трактори жавлон урянти. Ҳар куни 100-120 гектар ғўза культивациядан чиқарилмоқда. Бу ишда Фозилжон Иномов, Собиржон Умрзоқов, Мамадали Раҳматов каби механизаторларимиз фидокорлик кўрсатишяпти. Уларнинг ҳар бири 6-7 гектар ерда культивация ўтказмоқда. Механизаторларга ҳам норма белгиладик. Агар у 5 гектар ердаги ғўзани культивация қилса 4 сўм 20 тийин олади. 5 гектар ўрнига 7 гектар майдондаги ғўза қатор ораларини ишлаган тақдирда эса унга 7 сўм 5 тийин ҳақ тўланади.

Ғўзанинг ривожланишини тезлаштириш учун ҳар гектар ерга чигит экиш билан бир вақтнинг ўзида 120 килограммдан селитра солган эдик. Яганадан сўнг азотни гўнгга аралаштириб, қатор ораларининг қўндалангига солдик. Ҳар йили ўғитлаш август ойигача чўзиб кетарди. Бу йил озиқлантиришни 20 июлгача тугалладик. Чунки, ғўза қанча эрта ўғитланса ғовлаб кетмайди, тез амал олади.

Ҳашаротга қарши профилактик тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Баъзи карталарда пайдо бўлган ўргимчаккана, кўсак қуртини қириб ташлаш учун ғўзани дорилаяпмиз.

Ҳали олдимизда катта вазифалар турибди. Бундан буён ғўза қатор ораларини узунасига 3 марта, кўндалангига 2 марта ишлаш зарур деб ҳисоблаймиз. Активлар билан далаларни айланиб чиқдик. 360 гектар майдондаги ғўзалардан кўнглимиз тўлмади. Шу сабабли бу ғўзаларни июль ойининг охиригача яна бир марта комплекс парвариш қилмоқчимиз.

Бу ниятларни рўёбга чиқариш одамларга боғлиқ. Шунинг учун далада ишлаётганларга яхши шароит яратиб бердик. Дала шийпонлари кўнгилдагидек жиҳозлантирилган. Иссиқ овқат қилиб берилянти. Кўчма ясли ва болалар боғчаларида тарбия ишлари кучайтирилди.

Колхозимиз пахтакорларининг бутун эътибори бундан буён ҳам астойдил меҳнат қилишга қаратилган. 1220 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон қиламиз. 1220 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон қиламиз. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олишдек эзгу ниятларимиз.

И. ПАТИДДИНОВ,
Андижон районидаги «Ямбол» колхозининг раиси.

ОЛТИН ТУПРОҚ

МУРУНТОВ ОЛТИН САРАЛАШ КОМБИНАТИНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТ КОРХОНАЛАРИ ҚУРИБ БИТКАЗИЛДИ.

Кенг пешана, қирғиз қовоқ, юзлари чўл офтобида қорайган бу йигит мана ўн йилдирки, хазина ахтаради. Иброҳимнинг умр дафтарини ўзи билан биргаликда варақладик. Асли, филолог бўлмоқчи эдим, — деди у, — Мана кўриб турибсизки, ҳозир хазина топарман. Шунақа ҳам бўлар экан. Лекин, адабиётга ҳавас бир умрга татийдиганга ўхшайди. Шеър кўп қатори мени ҳам завқ билан ишлашга ўргатди Ахир завқ билан ишлашга нима етсин. Ҳар киим ҳам ўз ишида шоир бўлиши керак.

Иброҳим 1958 — 1960 йилларда Лангарда молибден ва вольфрам қидирди. Ўша йиллари у геология қозонида обдон қайнади. Кейинчалик Мурунтовда иш қизиб кетгач, яъни 1961 йилда Қизилқумга келди. Ўша вақтда Мурунтовда фақат битта ёғоч уй бўлган экан. Геологлар ва пармакашлар унинг атрофида «йўлдош» бўлиб чодир тикиб яшашган. Кийиз ўтовда яшашнинг ҳам ўзига яраша завқи бўлади. — деди Иброҳим, — сув ҳам қимиздек тансиқ нарса эди. Водовозларда ташиб келишарди. Йўдоқ даштда яшаб, ишладик. Осмон тақир чўлга тўнтариб қўйилгандай эди. Айниқса, ёз кунлари чўл деган чунонам қизиб кетадики, бамисоли тандир дейсиз. Ўша кезлар тунларда юлдузли осмонга тикилиб, Мурунтовнинг келажаги қанақа бўларкин, деб хаёл сурардик. Мана ўша орзу қилган, орзиқиб кутган дамларимиз ҳам келиб қолди. Бир вақтлар ҳозирги Зарафшон шаҳри қурилган ерда мармар тошга, бу ерда халқ азми ва партия иродаси билан шаҳар бунёд этилади деб ўйиб ёзиб қўйилган эди. Дарвоқе шундай бўлди ҳам. Эндиликда Зарафшон шаҳри карвонни энтиқтирган сароб эмас, балки мўъжизакор меҳнат билан қад кўтарган социалистик шаҳар. Мана бугун олтин саралаш комбинатининг биринчи навбатини ишга соляпмиз. Геологлар бир неча авлодининг орзуси ушалди...

Мен яқинда Қизилқумдаги Мурунтов олтин конини очган трест раҳбари, Ленин мукофоти лауреати Илья Самойлович Сокол билан ҳамсуҳбат бўлдим. У бошлиқ бўлган Самарқанд геология трести олтин хазиналарини очишдаги катта хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Кенг пешанасига қат-қат ажин тушган, юмалоқ юзли, кўзойнак тақиб юрадиган бу басавлат одам Мурунтовни қадамбақадам кезиб чиққан , десак янглишмаймиз. Илья Самойлович жуда тез Мурунтов олтин конининг запаслари аниқлаб чиқилгани ҳақида сўзлаб берди. Конниг дастлабки запаслари 1965 йилда ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган эди. Дастлаб аниқланган олтин запаслари тилла саралаш комбинатининг биринчи навбат корхоналарини қуришни бошлаб юборишга имкон берди. Шундан сўнг партия ва ҳукуматимиздан яна бир шарафли топшириқ олдик. — деб ҳикоя қилади ўртоқ Сокол. — У ҳам бўлса, комбинатнинг иккинчи навбат корхоналарининг ишлаши учун етарли бўлган олтин манбаларини қидириб топишдан иборат эди. Бугун яна юзимиз ёруғ, бу масъулиятли ва мураккаб топшириқни ҳам бажардик. Қурувчилар ва металлўрглар комбинатнинг навбатдаги корхоналарини ҳам қуришаверсин, хом ашё етарли. Яна қидирамиз. Яна топиб бераверамиз.

Қизилқум хазинасини очишга минг-минглаб геологлар, геофизиклар, пармаловчилар, кончилар, лойиҳачилар, бинокорлар ва бошқа касб эгалари ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ўзбекистон олтинини очишда алоҳида хизмат кўрсатган мутахассислардан бир гуруҳига Ленин мукофоти лауреати деган юксак унвон берилди.

Ҳозир Самарқанд геология трестининг геология қидирув партиялари ва экспедицияларида ишлаётган ишчи ва мутахассислар В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига янги олтин конларини очиш иштиёқи билан яшамоқдалар. Контопарлар Кўкпатас ва Қоракитонда янги хазиналарни топиш учун зўр бериб ишламоқдалар.

Иброҳим Қуронбоевнинг отаси Улуғ Ватан урушида Житомир остоналарида ҳалок бўлган. Қуронбой Қозоқов ўзининг яккаю-ягона ўғлини ўқимишли одам бўлиб етишса, деб орзу қиларди. Афсуски, Қуронбой ака ўғли Иброҳимнинг бугунги камолини кўра олмади. Мурунтов олтинтопарларидан бири бўлган Иброҳимнинг кўксида «Ҳурмат белгиси» ордени порлаб турибди. Ўғил отага муносиб бўлди.

Ҳурматли газетхон. Сиз газетанинг бугунги сонида Зарафшондаги олтин комбинатининг биринчи навбати корхоналари ишга тушганидан воқиф бўлдингиз. Эҳтимол, шу бугун ҳам Иброҳим йўлдадир, Ёки шахтага тушиб кетгандир. Ё бўлмаса маъдан конининг харитаси устида янги бир жумбоқни ечиш пайида бош қотираётгандир. Иш қилиб, кўп каторй унинг ҳам омади келсин.

А. АБДУҚОДИРОВ.

МУРУНТОВ ОЛТИН САРАЛАШ КОМБИНАТИНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТ КОРХОНАЛАРИНИ ҚУРГАН БИНОКОРЛАР, МУРУНТОВ ОЛТИНИНИ ТОПГАН ГЕОЛОГЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ГАЗЕТАМИЗНИНГ ИККИНЧИ САҲИФАСИДА ҲАМ ЎҚИСИЗ.

МУРУНТОВ олтин саралаш комбинатини қуришда жонбозлик кўрсатиб ишлаган бинокорлардан бир гуруҳи—3-қурилиш-монтаж бошқармасининг участка бошлиғи И. Аполейко, 2-қурилиш-монтаж бошқармаси участка бошлиғи О. Пашченко ва 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг прораби В. Барбаев ўртоқлар. Орқа томонда комбинат маъмурий биноси.
А. Тўраев фотоси.

МАМАДАЛИ ТОПИБОЛДИЕВ ХОТИРАСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети шу йилнинг кўкламида фожиона ҳалок бўлган Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Риштон районидаги «Коммунизм» колхозининг собиқ раиси Мамадали Топиболдиев хотирасини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Риштон районидаги Зодиён қишлоғига ва 27-ўрта мактабга Мамадали Топиболдиев номи берилади. «Коммунизм» колхози правлениесининг биносида М. Топиболдиев хотирасига мармар лавҳа ўрнатилади. Риштон район марказидаги Намуна кўчаси М. Топиболдиев кўчаси деб аталадиган бўлади. Марҳум М. Топиболдиев қабри устида унинг бюсти ўрнатилади. (ЎзТАГ).

КПСС XXIII съездининг мамлакатимиз халқ хўжалигини 1966—1970 йилларда ривожлантириш юзасидан Директиваларида «ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛТИН ЧИҚАРИШ САНОАТИ БАРПО ЭТИЛСИН»,— деб ёзилган эди. Эндиликда ана шу катта вазифа бажарилмоқда. Ўзбекистонда қудратли олтин қазиб олиш ва саралаш корхоналари бунёд этилди. Конда олтин запаслари жуда кўп. Мурунтов олтин саралаш комбинатининг биринчи навбат корхоналари ишга тушиши билан Қизилқум олтини халқ хўжалигимизга хизмат қила бошлади.

ЎЗБЕКИСТОН ОЛТИНИ

КАТТА ҚУВОНЧ

Мен мутахассис сифатида кўпгина қурилишларда ишлаганман. Мурунтовга келганимда участка бошлиғи қилиб тайинландим. Аввалига ишни ташкил қилиш қийин бўлди. Кейинчалик одамлар билан дилдан суҳбатлашиш ва меҳнатни яхши ташкил этиш туфайли ишимиз юришиб кетди.

Коллективимиз Мурунтов олтин саралаш комбинатининг асосий объектларини қурди. Биз шу билан фахрланамизки, қурилиш ишлари белгиланганидан бир йил илгари тамомланди. Қурилишни тезлаштиришда, машина-ускуналарни ўрнатишда Константин Дьячков бошлиқ 79-қурилиш-монтаж бошқармаси, Рафиқ Ханянц бошлиқ 25-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективлари бизга яқиндан ёрдам бердилар.

Мурунтов комбинати умумхалқ қурилишига айланиб кетди. Бу ерда 80 миллион кубометрдан кўпроқ ҳажмда тупроқ ишлари бажарилди. Мана бугунги кунда катта қувонч билан айтиш мумкинки, меҳнатимиз самарасини кўрсатди. Янги корхона олтин ёмбиси мамлакат хазинасига тушди.

И. СТАНИСЛАВОВ,
2-қурилиш-монтаж бошқармасининг бош инженери.

ЧЎЛДАГИ ЖАСОРАТ

Бундан бир ярим йил муқаддам Амударё—Зарафшон ер ости сув йўли қурилишини бошлаган эдик. Чўл ёзда иссиқ, қишда қаттиқ совуқ бўлади. Лекин сергайрат қурувчиларимиз, монтажчиларимиз матонат билан меҳнат қилдилар. Сақрога пўлат қувурлар, қурилиш материаллари дастлаб самолётларда, вертолётларда келтирилди. Озиқ-овқат ва вагон уйларни ҳам вертолётда ташиган кунларимиз бўлган.

Кейинчалик чўлга бульдозерлар, грейдерлар, экскаваторлар кела бошлади. Трасса бўйлаб йўл қурилиши, электр узатгич ва алоқа линиялари қуриш бошланиб кетди. Шундай қилиб, Амударёдан Зарафшонга сув келтирилди.

Қурилиш ишларини жадаллаштиришда Сарсин Жабагиров, Владимир Новиков, Георгий Бородин каби ўнлаб баҳодирлар траншея қазиш, қувур ётқизишда ғайратшижоат кўрсатиб ишладилар.

Трассада ўн минг кубометрдан ортиқ тупроқ ишлари бажарилди. 140 минг кубометр бетон ётқизилди. Амударё—Зарафшон ер ости сув йўли ёқасида 8 та насос станцияси қурилди. Бу насослар сувни бир неча ўн метр баландликка кўтариб беради, унинг Зарафшон шаҳри томон равон оқишини таъминлайди. Қурувчиларимиз Томди район қорвадорларининг илтимосига кўра, бир неча жойда яйловларни суғоришга мўлжалланган ҳовузлар бунёд этишди.

Бошқармамизда рус, украин, ўзбек, қозоқ, тожик ишчи ва инженер-техник ходимлар қўлни-қўлга бериб самарали ишладилар. Ҳозир бошқармамиз коллективи Зарафшон шаҳри ва олтин саралаш комбинати оралиғидаги йўлни қуриб бўлди. Комбинат хўжаликларини бир-бири билан боғловчи асфальт ва бетон йўллар қурилишида ҳам жонбозлик кўрсатиб ишлаяпмиз.

Р. ХАНЯНЦ,
25-қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи.

ЗАР ГИЛАМ

Қизилқум саҳросини кўп кезган олим, геология-минералогия фанлари кандидати Ҳайрулла Раҳматуллаев бизга муштдек келадиган саргимтир-оқиш тошни кўрсатган эди. Ана шу тошда игнанинг учидек келадиган саргимтир металл ярқ этиб кишиэ эътиборини ўзига тортади. «Ана шу олтин,— деди Ҳайрулла ака,— чўл кезиб қишин-ёзин қидирганимиз, лабораторияларда кунни тунга улаб таркибини текширганимиз ҳам ана шу тош. Мурунтовдек катта кондан дарак берган ҳам ана шунақа тошлар...».

Олтин нуқрасидан жаҳондаги энг йирик тилла конига! Геологлар, парманашлар, олимлар, лойиҳачилар, металлургларнинг меҳнатининг нўлами ва ўлчови ана шунақа. Мурунтовда тикилган биринчи чодирдан Қизилқумда барпо этилган кўркам Зарафшон шаҳригача — Ўзбекистон олтин саноатининг дев қадамлари ана шунақа.

Бугун, Зарафшон олтин саралаш комбинатининг биринчи навбати корхоналари ишга тушган кунда ана шу хазина деб ҳормай-толмай ишлаган одамларнинг табаррук номларини меҳр билан тилга оламиз. Шулардан бири Қизилқум геология-разведка экспедицияси Мурунтов кон-геология партияси шахтёрлар бригадасининг бошлиғи Павел Прокопецдир. Павел Прокопец бригадасида 25 кончи йигит ишлайди. Улар олтинли маъданларни ер қаъридан қазиб чиқарадилар. Бригада аъзоматлари беш йиллик планни 1970 йилнинг 22 апрелигача бажаришга аҳд қилишган. Бригада 1968 йилнинг октябридан бошлаб 1969 йил ҳисобига ишлай бошлади. Комбинатнинг биринчи навбати ишга тушди,— деди Павел ҳамкасб дўстларига,— энди яна ҳам кўпроқ маъдан керак бўлади. Сўзи билан иши бир кончилар ойлик топшириқларни 170 процентга етказиб бажармоқдалар. Юқоридаги суратда УРТОҚ ПРОКОПЕЦ БОШЛИҚ БРИГАДАНИНГ МЕҲНАТСЕВАР КОНЧИЛАРИНИ КУРИБ ТУРИБСИЗ.

Қизилқум ўтмиш геологик даврларда денгизнинг туби бўлган, дейишади. Ҳақиқатдан ҳам ўрмач-ўркач қум барханларига шамол нозик «қўли» билан чизиб кетган жимжималарга қараб ҳаёл сурсангиз, у денгиз тўлқинларини эслатмайдими? Мурунтов геолог-разведка ПАРТИЯСИНИНГ КАТТА ГЕОЛОГИ ҲОЛМУРОД КАРИМОВ саҳрода олтин уймонини топган ҳазинабонлардан бири. У дўсти ВИКТОР БЕЛКИН билан яна сафарга чиқди. Эҳтимол, яна бир янги конинг кўзи очилар. (Чапда, юқоридан биринчи сурат).

Гулнора ёшлигиданоқ геологии насбига қизиқиб қолган эди. Мана энди у Мурунтовда ишлаб, ҳаёт ва меҳнат мактабини ўтамоқда. ГУЛНОРА ЗАРИПОВА Мурунтов кон-геология партияси геология бўлимининг картографи. Ўз ишини жондан севади. Кўп қаторли олтинтопарлар сафида ишлаётганидан фахрланади. (Чапда, юқоридан иккинчи сурат).

ОЛТИН ЗАРРАЧАЛАРИ... СИЗ ПАСТДАГИ СУРАТДА УНИНГ БИР СИҚИМИНИ КУРИБ ТУРИБСИЗ. Ленин Мурунтовда тилла запаслари беҳисоб. Бугундан бошлаб Мурунтов олтини мамлакатимиз хазинасига дарёйи азимдек қуйилиб, она-Ватанимиз қудратига қудрат қўшади. Мамлакатимиз хазинасига олтин тўплаётган меҳнаткашлар орасида Мурунтов кон-геология партиясининг ИЛҒОР ПАРМАКАШЛАРИДАН АБДУРАЗЗОҚ НОРОВ ВА ШАРОФ ЖАЛОЛОВЛАР ҲАМ БОР. (Ўнгда, юқоридаги сурат). Бу икки парманаш смена топшириқларини бир ярим бараварга етказиб бажармоқда. Қизилқум қадимда қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган ер деб таърифланарди. Энди саҳрода шаҳарлар қурилмоқда. Яқинда Амударё — Зарафшон ер ости сув йўли қуриб битказилди, ЭНДИ «САХРО КЕМАСИ» деб НОМ ЧИҚАРГАН ТУЯЛАР ҲАМ ВОДОПРОВОД КРАНИДАН СУВ ИЧЯПТИ, деб ҳазиллашди фотограф ва пастдаги суратни кўрсатди.

Р. Жуманиёзов фотолари.

МУРУНТОВ — НОЁБ ҲАЗИНА

ҚИЗИЛҚУМДАН РЕПОРТАЖ

Самолёт тўрт томони уфқ билан туташган яйдоқ чўл устидан парвоз қилиб бормоқда. Унинг тўпидан сал каттароқ деразасидан бепоён ялангликлар кўзга ташланади. Бўгдойранг қумликлар алас-алас кўзга чалинади. Аҳён-аҳёнда бўртиб чиққан тепаликлар кўринади. Улар тоғ бўлсамикин, эҳтимол шундайдир. Шу пайт самолёт деразасидан болаларнинг ўйинчоғи сингари кичик бир нарса кўринди. Пўлат қуш тобора унга яқинлашиб борарди.

Бу нима экан? Уни ерга қўнганимизда билдик. Бу катта тоғ бўлиб, инсониятга замон-замонлар оша карамат кўрсатмаган Қизилқумнинг ичкарисига бурундек туртиб кирган Мурунтов экан.

Мурунтовнинг ҳозирги манзараси қандай? Бу ерда нималар бўляпти? Унинг довруғи оламга ёйилганлигининг боиси нимада? Шу ердаги марду-майдонлар ҳақида ҳикоя қилиш учун биз бу ерга келдик.

ТАРИХДАН БИР ШИНГИЛ

Гап шу ерга келганда машҳур геолог А. В. Пейве сўзлари ёдимизга тушди. «Геология — ҳаммадан илгари серавқ одамлар машғул бўладиган иш», деган эди СССР Фанлар академияси Геология институтининг директори Александр Пейве. У ҳали ёш мутахассис чоғларида сафар халтаси билан Ўрта Осиёни қадам-баҳадам кезиб чиқди. 1940 йилда у геологларнинг олтин маъданига бағишланиб ўтказилган Ўрта Осиё конференциясида Қизилқумдаги олтин заррачалари тўғрисида гап очган эди. Шундан кўп ўтмай, уруш бошланиб қолди...

... 1955 йилда Мурунтовда геологларнинг биринчи чодири тикилди. Ҳазинатопарлар қидирув ишларини сабр-бардош билан давом эттирдилар. 1962 йилда геологларнинг муроди ҳосил бўлди. Ўшанда СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси И. С. Рожков раҳбарлигидаги эътиборли комиссия аъзолари Мурунтовда улкан олтин кони борлигини дадил айтдилар. Мурунтов мамлакатимиздаги йирик олтин кони бўлиб қолади, дедилар.

Шундан кўп вақт ўтмай, геология-қидирув ишларида алоҳида ўрнак кўрсатган истеъдодли мутахассислардан бир группасининг кўкрагини Ленин мукофоти лауреати нишони безади. Мурунтов олтин конини топган киши ким деган саволни беришга бердик-ку ўзимиз ҳам ҳижолатда қолдик. Чунки беқиёс катта конни топиш бир неча кишининг қўлидан келадиган иш эмас экан. Уни топиб, коммунизмга хизмат қилдириш катта-катта коллективларнинг ишидир. Бу конинг топилиши ҳамда запасларини аниқлашга республикамизнинг етакчи геолог мутахассислари ва кўзга кўринган олимларнинг меҳнати сингди.

Мана шу зукко ва билимдон геологларнинг қадами теккан ерлардан олтин унянти.

ҚИЗИЛҚУМ ВЕНЕЦИЯСИ

Биз Зарафшон шаҳри ҳақида гапирмоқчимиз. Зарафшон олтинтопарлар шаҳри бўлиб қолди. Бу ерда Мурунтовдан олтин маъдани қазиб олиб, уни минг «чиғириқ»дан ўтказаётган сараловчи, кончилар яшайди.

Зарафшон шаҳар партия комитетининг секретари Аброр Қаҳҳоров билан бафуржа гаплашдик. Ў ана шу навқирон шаҳарда яшаётган ажойиб одамлар ҳақида завқланиб гапирди. Унинг айтишича, зарафшонликлар Қизилқум Венециясини бунёд этишга азми қарор қилганлар. Маълумки, Венеция жаҳондаги энг кўркамзор ва чиройли шаҳар бўлиб, оғизга тушган. Лекин гиёҳ ўнмаган саҳрода дарахтзор, гулзор, кўркамзор шаҳар қуриш учун бел боғлаганларнинг меҳнати тахсинга лойиқ.

Зарафшоннинг «акаси» — Навоий шаҳри меҳнаткашлари республикамиздаги гуллар маскани Наманган билан бамаслаҳат иш тутмоқда. Наманганликлар Навоий шаҳрини кўкаламзорлаштиришни о‘лишга олишган. Навоийликлар эса Зарафшон шаҳрини гул ва мевали дарахт кўчатлари билан таъминлаб турибдилар.

Зарафшон шаҳри меҳнаткашлари гул ошиғи бўлиб қолишди. Улар учун соялкин жойлар жуда-жуда зарур. Зарафшонлик қурувчилар яна бир шартни ҳам бажо келтирмоқдалар. Иморатлар олдига бинокорлар турли манзарали дарахтлар ўтказишади. Тўрт қаватли иморатлар айвонида гул кўчатлари амалга кирган бўлиши керак. Хуллас, уй-жойлари қуриб битказилганда, улар яшил либосга бурканган бўлади.

Икки йилдан буён республикамизнинг турли шаҳарларидан Зарафшонга кўчат ва уруғ ортган самолётлар серқатнов бўлиб қолди. Шаҳар атрофини айланиб, икки-уч бор самолёт учди. Шаҳарни қум ва бўронлардан муҳофаза қилиш учун саксовул уруғи экилди. Бу йилги коммунистик шанбаликларда шаҳар аҳолиси катта ҳашарга чиқди. Шанбаликларда 2000 туп дарахт, 800 минг туп гул кўчатлари ўтказилди. Эндиликда ёш шаҳарда шанбалик ва якшанбаликлар ўтказиш анъана бўлиб қолди. Бу ердаги ҳар туп гул, манзарали дарахт кўчатлари шаҳар аҳолиси оталигида бўлади.

Бу ерга улкан ер ости қувури орқали 234 километр узоқликдан Амударё суви келди. Шаҳар аҳолиси сувга серо‘. Шу йил охирига бориб, шаҳардаги уй-жойлар саҳни 90 минг квадрат метрга етади. Ҳозир катта савдо маркази, 560 ўринли мактабгача тарбия болалар муассаси, 1300 ўринли мактаб ишлаб турибди. Йирик магазинлар эшиги харидорларга очиқ.

БЕССАПАННИНГ ДОВРУҒИ

Айтишларича, Бессапан беш чопон деган сўздан келиб чиққан. Зарафшонни жуда қадимдан биладиган кекса чўпон Келдибобо Қўштемиров қизиқ бир ривоят айтиб берди. Ота Томди районидаги Жабай Балиманов номли қорақўлчилик совхозининг беш чўпони. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонидир, Мурунтов олтин саралаш комбинати вужудга келаётган ана шу жойда бир вақтлар яйлов бўлган. Қора ўтовлар тикилиб, жазирама иссиқда қам, чопон кийган кишилар қўй боқишган. Чўпонлар беш киши бўлган. Одамлар шунинг учун ҳам бу жойни Бешчопон ёки Бессапан, дейишган бўлса ажаб эмас.

Энди Бессапаннинг довруғи жаҳонга кетди. Бу ерда Мурунтов карьеридан қазиб олинган маъданлар саралонмоқда, олтин ажратиб олинмоқда.

Аввал Мурунтов карьерига бордик. Қудратли экскаваторлар ҳайқириб ишламоқда. Уларнинг ковши учидаги ўткир тиғ Фарҳоднинг тешаси сингари маъданларни қазиб олмоқда. Машина хартуми ерга ҳар урилганида қучоққа сиғмас маъданни ажратиб олиб, улкан автомашиналарга ёки рельслар устидаги вагонларга ташлаб турибди. Евгений Нестеров деган экскаваторчи ҳақида кон раҳбарларидан эшитган эдик. У ёш коммунистлардан, шунга яраша меҳнат қилмоқда. Ҳар сменада 1450 ўрнига 2000 кубометрга етказиб маъдан қазиб олмоқда. Бу ерда унга ўхшаш баҳодирлар кўп.

Маъдан ортган поезд билан олтин саралаш комбинатига келдик. Бу ердаги манзара яна бир бошқача. Келтирилган маъдан бункерга тўкилади. Бу ерда маъданлар дастлаб майдаланади, сўнгра транспортёр лентаси орқали пешма-пеш тегирмонга жўнатилади. Сўнгра пульпалаш усули билан кукундек маъданларнинг қуюқ эритмаси ҳосил қилинади. У махсус камераларда қуритилади. Ундан кейинги жараён элашдир. Эланиб бўлгандан сўнг регенерация усули билан қайта сараланади. Сўнгра у эритиш печига узатилади.

... Бора-бора бир қанча жараёнларни бошидан кечирган маъдан тинчлашиб, жиллоланиб, кўзни қамаштириб, сара олтин ҳолига келади.

Қизилқумда Ватанимизнинг янги бойлигини очиб, уни саралаб бераётган комбинатнинг дастлабки навбати қуриб битказилди. Бинокорлар, лойиҳачилар, монтажчилар ва металлургларнинг комбинатнинг биринчи навбатини тезроқ тўла қувват билан ишга тушириб юборишлари учун ишламоқдалар.

Комбинатнинг дастлабки навбат корхоналарини қуриб битказиш ўттиз саккиз ойга мўлжалланган эди. Навоий шаҳар қурилиш ташкилотларининг коллективлари бу ишни йигирма беш ойда тамомладилар.

Бинокорлар яна ҳам ғайрат билан ишламоқдалар. Комбинатнинг иккинчи навбат корхоналарини қуришга тайёргарлик кўрилмоқда.

Мурунтов Советлар мамлакатининг янги олтин қўриғи бўлиб қолди. Бугун биз олтин қўриғини очаётган азаматларни янги зафарлар билан муборакбод этамиз.

Т. НАЗИРОВ,
Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ОРЗУ УШАЛДИ

Мен Мурунтов конини саноат ишлаб чиқариши учун фойдаланишга топиришда қатнашганим билан фахрланаман. Деҳқонининг ўғлиман. Тошкент яқинида туғилиб, ўсдим. Мен геолог бўлиш ниятида Тошкент политехника институтининг геология-разведка факультетида ўқидим.

Комсомол йўлланмаси билан Қизилқумга келдим. Бу ерда ҳозир экспедициянинг катта геологи бўлиб ишламоқдаман. Мен ишлаётган колдективда саксондан ортиқ йигит-қизлар бор. Улар Қизилқум бойлигини халқ хўжалиги учун хизмат қилдиришга ҳисса қўшиш учун баракали ишламоқдалар. Менинг эзгу орзуим Қизилқумда ушалганини бугун ҳаяжон билан айтмоқчиман. Биринчидан, мен дастлаб иш бошлаган Мурунтов кони маъданидан олтин ажратиб олинмоқда. Комбинатнинг биринчи навбат корхоналари ишга туширилди, иккинчидан, илмий иш қилиш ниятим ҳам рўёбга чиқмоқда. Мен Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, геология-минералогия фанлари доктори Ҳосил Бойматовнинг раҳбарлигида кандидатлик диссертацияси тайёрламоқдаман.

Ҳамкасбларим кандидатлик диссертациясини ёқлагандан кейин қаерда ишлайсан, деб савол беришади. Мен эса орзуларим Мурунтовда амалга ошган, шу ерда ишни давом эттираман, деб жавоб бераман.

Холмурод КАРИМОВ,
Қизилқум экспедициясининг катта геологи.

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

● Ўзбекистонда олтин конлари ҳозир Шимолий Фарғонада, Оҳангарон водийсида, Мурунтовда, Зеравшоннинг тоғлари ва Қизилқум саҳроларида топилган. Олтин конларининг энг йириги Мурунтовдир. У ўзининг ҳажми жиҳатидан мамлакатимизнинг катта хазиналаридан бўлмиш Колима, Лена, Олтой ва Урал олтин конлари қаторидан жой олса, ер юзасига яқин (2-3 метр) ётганлиги ва текислиқда жойлашганлиги туфайли юқоридаги конлардан устун туради. Қулай геологик ва иқтисодий шарт-шароит туфайли олтиннинг очиқ карьерлар усули билан қазиб олиш мумкин. Демак, Мурунтов олтини анча арзонга тушади.

● Қадим-қадим замонларда ҳам Самарқанд тоғларида, шу жумладан Кўҳанда (Самарқанд яқинидаги ҳозирги Чўпонота тепалиги) ва Самарқанд билан Бухоро оралиғидаги тоғларда олтин қазиб олинган. Умуман X-XIII асрлар Ўрта Осиёда кон саноатининг ривожланган даври бўлган. Ҳозирги Қорамазор (Қурама) тоғларида, қадимги Илоқ вилоятининг Шош деб аталмиш конларида, Лашкарақда ва Жанубий Фарғонадаги Конигутда кумуш қазиб олинган. Ўша вақтдаги ибтидоий кон саноати тўғрисида Сартабуткон, Кўргошинкон, Аққа ва Олмалиқдаги гор ва ўйиклар гунг гувоҳ бўлиб турибди.

● Мурунтов конидаги рудаларда олтин заррачаларининг катталиги 0,01-0,02 миллиметр бўлиб микроскопда аранг кўринади. Шунинг учун ҳам қадимги замондаги кончилар уни қазишмаган. Бу кадар майда олтинни тошдан ажратиб олиш жуда машаққатли иш бўлган.

● Олтин конларида бир тонна тоғ жинсида бир-икки граммдан юз-икки юз граммгача олтин учрайди.

ЖИЗЗАХДАГИ Жданов номли колхоз далаларида мўл ҳосил учун кураш қизғин тус олган. Шу кунларда культивация, суғориш ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилаётир. Натижада ғўзалар серҳосил бўлиб ўсмоқда. Суратда: колхоз раиси Я. Тошпўлатов (чапдан), механизатор Э. Ғойибназаров ва илғор бригада бошлиқларидан С. Сиддиқов ўртоқлар ғўза парваришини кўздан кечиришяпти. А. Тўраев фотоси.

Мутахассис минбари

ИҚТИСОДИЙ ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1968) Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг реал режаларини белгилаб берди. Пленум қарорларида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш йўллари, уни интенсив ривожлантириш истиқболлари кўрсатиб берилган. Айни вақтда маҳсулот таннархини камайтириш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш, бунинг учун эса моддий техника ресурсларидан, табиий бойликлардан, ердан самарали фойдаланиш зарурлиги, иқтисодий соҳадаги ишлар савияснни тағин ҳам кўтариш кераклиги алоҳида қайд қилинган.

Эндиликда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини иқтисодий билимларга асосланиб бошқаришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Хўжаликларнинг раҳбарлари меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришга кетадиган сарф-харажатларни мумкин қадар тежаш, моддий бойликлар яратаётган кишиларнинг манфаатдорлигини ошириш йўлларини пухта билишлари, ишлаб чиқаришга сарфланаётган ҳар бир сўм хўжаликка неча сўм фойда келтиришини ҳисоблашлари зарур. Бунинг учун даставвал хўжаликда олиб борилаётган иқтисодий соҳадаги ишларни — ҳисоб-китоб ва ҳисобот ишларини яхшилашлари, хўжалик ҳисобини такомиллаштириб боришлари лозим.

Бу соҳада республикамиздаги кўпгина хўжаликлар яхши иш қилишяпти. Янгиариқ районидаги Охунбобоев номли, Киров номли, Ҳазорасп районидаги Нариманов номли, Ғузор районидаги Карл Маркс номли, Жарқўрғон районидаги «Москва», Ғиждувон районидаги Энгельс номли, Тошкент областидаги «Политотдел», Поп районидаги Ленин номли колхозларда, Сурхондарё областидаги «Ҳазорбоғ», Наманган областидаги «Гулбоғ», Андижон областидаги «Савай» совхозларида ва шунга ўхшаш кўпгина хўжаликларда иқтисодий тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқдаки, буни қишлоқ хўжалигининг ҳар бир соҳасида яққол кўрасиз.

Бу хўжаликларда олиб борилаётган иқтисодий соҳадаги ишлар ҳозирги талаблар даражасида йўлга қўйилган. Қилинган сарф-харажатлар хўжаликка қанчалик фойда келтираётгани йил давомида муттасил таҳлил этиб борилади, муҳокама қилинади. Иқтисодий анализ бюролари системаси ишлайди. Улар самарасиз ва унумсиз харажатларга йўл қўйишмайди. Барча тармоқларнинг хўжалик ҳисоби асосида ишлаши учун бош қотиришади.

Ҳисоб-китоб ишларини яхши йўлга қўйган, унга алоҳида эътибор бераётган хўжаликларнинг ишлари ҳам юришиб кетаверади. Жумладан, Бўз районидаги Тельман номли колхозни олиб қарайлик: Марказий Фарғона ерларида жойлашган бу хўжалик 925 гектар ерга чигит экиб, ўтган уч йил мобайнида ҳар гектар ердан ўртача 27.11 центнердан ҳосил олиб келмоқда. Ўтган йили гектар бошига 27,8 центнердан «оқ олтин» кўтарди. Бир центнер пахта етиштириш учун 1966 йилда 5.11 киши-куни, 1967 йилда 4.7 киши-куни сарфланган бўлса, ўтган йили ана шунча пахта етиштиришга 3,8 киши-куни сарфланди, холос. Колхоз бултур ҳар гектар пахта майдони ҳисобига 1115 сўм даромад олди. Бу эса, 1967 йилдагига нисбатан ҳар гектар ер ҳисобига 90 сўм кўп демакдир. 1967 йили бир центнер пахта етиштириш учун 10 сўм, ўтган йили эса — 9 сўм материал харажатлари сарфланди. Колхозчиларнинг меҳнат ҳақи ўтган йили 1967 йилдагига нисбатан 22 процент кўпайди.

Шу райондаги «Коммунизм» колхозида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самараси эътиборга олинмай, ҳисоб-китоб қилинмай иш юритилаётганини кўрамиз. Бу ерда кейинги уч йил ичида пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 17.7 центнерни ташкил этди. Ўтган йили гектаридан 17.6 центнердан пахта топширилди. Ҳосилдорлик аввалги йиллардагига нисбатан бир мунча камайиб кетди. Колхозда 1968 йили бир гектар пахта майдони ҳисобига 645 сўм даромад олинди. Бир центнер пахта етиштиришга 1967 йилда 5,63 киши-куни сарфланган бўлса, ўтган йили — 8,11 киши-куни сарфланди.

Ана шу иккала хўжалик фаолиятидан кўриниб турибдики, иқтисодий билимларга асосланиб, иқтисодий тадбирларни изчиллик билан амалга ошириб, ҳисоб-китобли иш юритган хўжаликларнинг ютуқлари кўпайиб, бу ишларга аҳамият бермаган колхоз ва совхозларнинг муваффақиятлари эса озайиб бораверади. «Коммунизм» колхозида ҳисоб-китоб ишлари ўз вақтида олиб борилмайди, бухгалтерия операциялари даромад ҳамда харажат содир бўлган пайтнинг ўзидаёқ амалга оширилмайди, сарф-харажатларнинг миқдори ҳисобланмайди, ойлик, квартал ҳисоботлари вақтида тузилмайди. Шунинг учун ҳам қайси тармоққа қанча харажат қилинди, қайси ишни бажариш учун қанча маблағ ва техника кучи, ёнилғи сарфланди — буни бухгалтерия ходимлари ҳам яхши билишмайди. Баъзи ходимлар умумхўжалик ҳисоби ва ички хўжалик ҳисоби ишлаб чиқаришнинг қайси бўғинларига хос эканлигини ҳали ҳам яхши англамайдилар. Ана шуларнинг ҳаммаси ҳисоб-китоб ишлари устидан назоратни сусайтириб юбормоқда, харажатларнинг кўпайиб кетишига, бинобарин маҳсулот таннархининг қимматлашишига таъсир кўрсатмоқда.

Ҳамма нарса тежамкорликка, ҳисоб-китобли иш кўришга боғлиқдир. Иқтисодий ишларни яхшилаш ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда иқтисодий анализ бюроларининг роли жуда катта. Республикамизнинг барча районларида иқтисодий кенгашлар ва хўжаликларда иқтисодий анализ бюролари ташкил этилган. Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхозлардаги иқтисодий анализ бюроларининг ишлари айниқса диққатга сазовордир. Бу хўжаликларда ҳар бир тийин, сўм, ҳар бир соат, ҳар бир киши-куни алоҳида ҳисобга олиб борилади. Бундай қилиниши ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга катта имконият яратмоқда.

Шу кунларда республикамиз пахта далаларида ижодий меҳнат ҳар қачонгидан ҳам авж олган. Кўпгина хўжаликларда ғўзалар кўсаклаётир. Пахтакорларимиз августни ҳам ҳосил тўплашда зўрбдор ой деб эълон қилдилар. Ғўза қатор ораларини культивация қилиш, суғориш ва озиқлантириш каби агротехника тадбирлари бир-бирига боғлаб ўтказилаётганлиги туфайли ғўзалар кунда бир яшнамоқда. Бунда иқтисодий тадбирларнинг изчил амалга оширилаётганлиги ҳам катта роль ўйнаётир. Негаки, иқтисодий тадбирлар бажо келтирилса, ажойиб самаралар беражагини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

А. ИСОҚОВ,
Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий-тадқиқот институтининг сектор мудири, иқтисод фанлари кандидати.

МАШИНАЛАР МУБОРАК

Тошкент шаҳар милиция бошқармасининг ходими Толибжон Зокиров ўтган йили меҳнат отпуснасида дам олиб қайтаётганида проводник қизнинг таклифи билан тўрт дона лотерея билети олган эди. У ўзининг ва фарзандларининг исмлари ёзиб қўйилган бу билетларни ёзги кийимлари билан олиб қўйган эди. Толибжон билетларни февраль ойининг охирларида эслаб, дарҳол уни текширди. Омад деб шуни айтадилар-да! Қарангки катта ўрни Одилжоннинг исми ёзилган 013 номерли 07726 сериялн билетга «Запорожец 966-В» енгил машинаси ютуғи чиқипти. Яқинда Толибжон эка лотерея билетига чиққан ютуғини олди.

Шунингдек, Қашқадарё область Чироқчи районидаги Максим Горький номли колхоз комбайнчиси Шамат Тошев ҳамда «Узсельхозтехника» район бирлашмаси шофери Қиём Нўраевларга ҳам бахт кулиб боқди. Улар учинчи чиқарилиш Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереясининг 148-09839 ва 160-010433 номерли билетларига «Москвич», «Запорожец» енгил машинаси ютишди.

Н. ЗАБИХУЖАЕВ,
И. ҚАЮМОВ.

САНЪАТ ХАБАРЛАРИ

«БАҲОР» СОЛДАТЛАР МЕҲМОНИ

СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Мунаррама Турғунбоева раҳбарлигидаги «Баҳор» рақс ансамбли Россия бўйлаб сафарини давом эттирмоқда. Яқинда улар Ленинграднинг Н-ҳарбий қисмда меҳмон бўлиб, жангчи солдатларни беҳад қувонтирдилар. Ижро этилган рақслар Ватанимиз посбонларида катта таассурот қолдирди.

Ш. ЯЛДОШЕВ,
К. ТУХТАМУРОДОВ.

«СУДХУРНИНГ УЛИМИ» САҲНАДА

Каттақўрғон шаҳар ўзбек давлат музикали драма театрининг ижодий коллективи Садриддин Айнийнинг «Судхўрнинг улими» асарини саҳналаштирди. Асосий ролларни театрнинг етакчи артистлари Ш. Аминов, Н. Ҳожиев ва Х. Исматовлар ижро этишади.

А. ҲОШИМОВ.

«ГУНЧА» ДАЛА КЕЗАДИ

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Шаҳар пионерлар саройида «Гунча» ўзбек рақс ансамбли ташкил қилинди. «Гунча» ансамбли коллективи яқинда Бухоро районидаги «Маданият», Карл Маркс номли, Вобкент районидаги «Пахтакор», Ленин номли хўжаликларда марокли концертлар қўйиб, санъат шинавандаларини мамнун этишди.

Т. НАЗИРОВ.

КОЛХОЗ АНСАМБЛИ ЭСТОНИЯДА

Яқинда пардош Эстония ССР пойтахти Таллиндаги Н-ҳарбий қисмда «Халқларнинг ягона оиласида» деган мавзуда тематик кеча бўлиб ўтди. Кечада Эстониядаги қўшинлар байрамида қатнашаётган Тошкент область, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ансамбли меҳмон бўлди. Колхоз ҳаваскорлари ўзбек рус эстон қўшиқ, рақсларини ижро қилишди.

Ю. КАСЬЯНЕНКО.

«ДУСТЛИК ГУЛЛАРИ»

Совет қишлоғининг 50 йиллик тўйига бағишлаган катта қиш томошалари шундай деб аталди. Москвадаги Горький номли марказий маданият ва истироҳат боғига жойлашган ёзги қиш биносида кўрсатилаётган томошаларда Литва, Белоруссия, Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Киргизистон республикаларининг энг яхши артистлари иштирок этмоқда. Юбилей программасида Ўзбекистонлик моҳир қиш усталари иштирок қилмоқда. Бунда РСФСР ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Акром Юсупов ва республика халқ артисти А. Тошқанбоев раҳбарлигидаги дорбозлар пойтахт томошабинларининг олқиш ва эътиборларини қозонишмоқда.

С. КОСТИРКО.

МЕХАНИЗАТОРЛАР САФИ КЕНГАЙСИН

ҚАШҚАДАРЁ ҚИЗЛАРИ

Терим агрегати асфальт йўлдан вазмин тебраниб келмоқда. Штурвалда ёшгина бир қиз ўтирибди. Чақкон ҳаракатларидан амалий машғулот ўтказаётганлиги сезилиб турибди.

«Зангори кема» муюлишга келиб тўхтади. Биз ҳам яқинлашдик. Комбинезон кийган кулча юзли қиз табассум билан қараб турарди. Илиққина саломлашдик.

— Саодат Одилова, — деб таништирди ўқитувчи Неъмат Юсупов. — Агрегатни бошқаришни яхши ўрганди. Бу йил мавсумда биринчи марта машинада пахта теради...

Саодат Одилова Китоб районидаги Навоий номли колхозда жойлашган Нодира номли мактабнинг 10- синфини муваффақиятли битириб, механизаторлик касбига меҳр қўйди. Шу колхоз ҳузурида Чоршанбадаги 8- механизация билим юртининг филиали очилган эди. Саодатхон филиалга ўқишга кирди. Бир у эмас, тағин 29 қиз механизаторлик касбини эгаллаш мақсадида бу ерга тахсил олгани келди.

Қашқадарё область партия комитети котибликларнинг хотин-қизлардан кўплаб кадрлар, айниқса механизаторлар тайёрлаш тўғрисида бошлаб берган ташаббусини маъқуллаган эди. Шуниси диққатга сазоворки, бу ташаббус кенг қулоч ёймоқда. Областнинг кўпгина районларида, «Узсельхозтехника» бирлашмалари ҳузурида, йирик хўжаликларда механизатор кадрлар тайёрлаш курслари очилиб, 600 дан ортиқ хотин-қиз ўқитилмоқда.

«Узсельхозтехника»нинг Яккабоғ бирлашмаси ҳузурида ташкил этилган курсда ўқиётган 40 дан ортиқ хотин-қизларнинг ҳаммаси терим агрегатларини бошқаришни яхши ўрганиб олди. Косон районидаги марказидаги Киров номли ўрта мактабда очилган курсда ҳам ўттиз қиз тахсил оляпти. Уларнинг барчаси ҳозирнинг ўзидаёқ қишлоқ хўжалик машиналарини бемалол бошқара олади. Бу ердаги курсни битириб чиққан қизлар райондаги «Шарқ юлдузи», Энгельс номли ва бошқа колхозларда бу йил ингичка толали пахтани машиналарда тера бошлайдилар. Областдаги механизатор кадрлар тайёрлайдиган курсларнинг кўпчилигида қизлар агрегатларни бошқаришни яхши билиб олдилар.

Қашқадарё область механизаторлари бу йилги ҳосилнинг 100 минг тоннасини «зангори кема»ларда саранжом-саришталаб олишга сўз беришган. Бу олижаноб ишга механизатор қизлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

С. ҚОДИРОВ,
П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлари.

САНОАТ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ

ХАРИДОРНИНГ АЙТГАНИ-АЙТГАН

Пойтахтимиздаги «Чилонзор» савдо маркази Тошкентдаги энг йирик савдо муассасаси сифатида «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси ва 1-пойафзал фабрикаси билан бевосита алоқа боғлаган эди. Биз бу йил «Қизил тонг» тикувчилик фирмасидан 900 минг сўмлик маҳсулот оламиз, 1967 йилда бу корхонадан бор-йўғи 860 минг сўмлик маҳсулот олган эдик. Савдо марказимиз коллективининг қизил тонгчилар билан ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Маҳсулотнинг тури кўплиги ва сифати яхшилиги туфайли «Қизил тонг»да тайёрланган кийим-кечаклар омборларда ётмайди. Харидорнинг дидига маъқул тушяпти.

Биз пойафзал ва кийим-кечак корхоналари билан бевосита алоқа боғлаган бўлсак ҳам, лекин трикотаж буюмлар тайёрлайдиган фабрика ва фирмалар билан шундай бевосита алоқа ўрнатга олганимиз йўқ. Кийим-кечак билан савдо қилиш бўйича Тошкент областлараро идорасн дўконларни трикотаж буюмлари билан фақат ўзининг базаси орқали таъминлямоқда. Биз, шундай қилиб, трикотаж буюмларини фақат областлараро идорининг базасидан олмоқдамиз. Лекин қизиғи шундаки, ушбу база ҳар бир савдо ташкилотига мол бериш кунларини қатъий тайин қилиб қўйган бўлса ҳам лекин шу куни базада товарларнинг аврут тури ёки ҳаҳм борми-йўқми бунга сира эътибор бераётганч йўқ. Бизнинг савдо марказимиз ҳафтада бир марта жума кунлари базадан мол олади. Лекин аксига олганлек, худди ана шу кунлари базада зарур ассортименталги мол бўлмайди, йирор мол келиб тушган бўлса ҳам базанинг қўлида счёт бўлмайди. Шу боисдан ҳам у контейнерларни очмай савдо ташкилотларига жўнатаверади. Савдо ташкилотларига хизмат кўрсатишнинг бу усули шунинг учун ҳам номақбулки, базага ҳар куни 50-60 та машинанинг мудирлари ва катта-катта дўконларнинг бўлим мудирлари келиб қиммати вақтларини ўтказадилар. Ҳолбуки товарни базанинг ўзи разнарядка билан етказиб бериши мумкин. Савдо ходимлари эса вақтларини бекор кетказмай харидор хизматида турган бўлур эдилар.

«Ўзторгодежда»нинг Тошкент областлараро идорасига қарашли базе савдо ташкилотлари билан ойнинг ҳар ўн кунлигида бир тенкида мол етказиб бериш тўғрисида шартнома тузишдан бош тортди. Бу база раҳбарлари мол олинадиган куни товарларнинг зарур ассортименти бўлишини ҳам таъминлай олмаётирлар. Бунинг устига, улгуржи базалар шу кунларда шаҳар савдо ташкилотлари билан бир наторда қишлоқ савдо ташкилотларига ҳам хизмат кўрсатмоқдалар. Бошқа область базаларига ҳам мол юбормоқдалар. Шу боисдан ҳам уларнинг иши кўпайиб кетди. Биз, Тошкентда шаҳар савдо ташкилотларини мол билан таъминловчи алоқида база бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шу йилнинг февраль ойида «Узтекстильторг»нинг республика идорасн ва Тошкент область базаси республика тўқимачилик корхоналари билан биргалиқда газлама улгуржи ярмарнаси ўтказди. Кўргазмада «Атлас» фирмасининг ранг-баранг атласлари, Маргилон ипак комбинатининг табиий шойидан тиккилган крепдешинлари крепшаржетлари кўрсатилди. Ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш юзасидан ярмаркада шартномалар тузилса керак деб ўйлаган эдик. Лекин афсуси, ярмаркада тўқимачилик корхоналари ва савдо ташкилотлари ўртасидр шартномалар тузилмай, улгуржи базалар билан корхоналар ўртасида шартномалар имзоланди. Бизнинг фирмамизга хўжалик ҳисобидаги йирик корхоналар катта-катта комбинатлар ва фабрикалар билан шойи газламалар етказиб бериш юзасидан шартномалар тузса айни муддао бўлур эди.

Табиий ипакдан тайёрланган газламаларнинг бозори чаққон. Лекин биз худди ана шунаҳа маҳсулотларни кам олмоқдамиз. 1969 йилда Тошкент савдо маркази 1 миллион 200 минг сўмлик шойи газламалар олиши керак. Лекин шунинг фақат 17 процентигина табиий ипакдан тайёрланган газламалардир.

Кўриниб турибдики, савдо ва саноат корхоналари ўртасидаги алоқаларни янада такомиллаштириш керак.

М. АҲМЕДОВ,
«Чилонзор» савдо марказининг савдо-сотиқ ишлари бўйича директори.

ҲАВАС ВА МУҲАББАТ

(ҲИКОЯ ВА ОЧЕРКЛАРГА ОБЗОР).

«Совет Ўзбекистони» нинг жанрдаги адабий асарларга конкурс эълон қилгандан бўён уч ой ўтди. Редакция шу муносабат билан кўплаб очерк ва ҳикоялар олди. Улардан бир қисми «чиқиринди»ан ўтиб, газетхонлар эътиборига ҳавола қилинди. Қуйида конкурсга келаётган баъзи очерк ва ҳикоялар ҳақида сўз боради.

КОНКУРС ДАВОМ ЭТАДИ

Мирза-тўллин Мамадали Маҳмудовнинг «Алангали қўрғон» очерки бир қиғанда яхши таассурот қолдиради. Қаҳрамон — Мамадиёр Соатов, милиция лейтенанти. Бинойидек ишини ташлаб чўлга келади. Бригадада сувчилик қилади. Кейин уни бригадир қилиб сайлайдилар.

Автор услубининг таъкидлаш лозим бўлган ёқимли бир томони бор. У қаҳрамон ҳақидаги ўйларини, фикрларини ўқувчига сингдиришда баёнда қочади. Чунончи, ушбу сатрлар Мамадиёр Соатов характери ҳақида ишончли тасаввур бера олади:

«Бригада аъзоси Туроб Қулжонов партком секретарига арз қилиб қолди: Соатовнинг бригадасида ишламайман, жонимга тегди. Бемаҳал қичқирган хўроздай, азонда уйғотгани устига, тағин команда беради; физзарядка қил, белбоғинггача совуқ сувда юв, соқолйнгни ол, у қил, бу қил. Қўйиб берсанг ҳамма нарсани ўргатадиган. Қилмайман! Нима, мен аснрманми? Оддий ишчиман. Ишдан кейин хўжайинлик қилишга ҳаққи йўқ!»

Сиртдан қараганда бу оддий ҳасратнан бўлак нарса эмас. Лекин автор шу «ҳасрат»га яхши маъно юклай олган.

«Алангали қўрғон»да бундай ишонарли, бадиий деталлар талайгина. Унинг заиф томони — айтилмоқчи бўлган гапнинг, умумий фикрнинг мағзи унча тўқ эмас. Қаҳрамоннинг чўлга келиши бир тасодифга асосланган. У поездда чўл бағридан ўтиб қолади-ю, унда чўлга келиш истаги туғилади. Чўлнинг унга нимаси ёқиб қолди, деган савол билан бутун бошли очеркнинг мнси чиқади. Ваҳолонки, чўлга келган ва келаётган қаҳрамонлар ҳаёти чуқур ўрганилса, ватанпарварлик, юксак оқкўнгиллик ва чўлқуварлик иштиёқлари билан бирликда уларнинг бахт ва нибоа, ҳаётда муносиб ўрин топиш каби нисонга хос бўлган орзу-тилаклар қоришиб кетган. Инсон мақсадсиз қадам ташламайди. Унинг ҳаётдан чексиз орзу-умидлари бор.

Мамалаларнинг иккинчи очерки — «Пахтакор»да ҳам шу нуқтони кўрамиз.

— Кимни қонинг тўкилган қишлоғингни ташлаб кетасанми? «Бахмал»деи қишлоқ қаёқда-ю, чўл қаёқда...

Чўлга отланган қаҳрамон ўз онасининг табиий саволига бундай жавоб қиладн:

— Ўйлаб кўрдим, чўлга боришим зарур. Виждон даъвати шу!

Пақотки, ана-ука шундай «расмий» гаплашса.

Ҳар икки очеркда ҳам авторнинг ширин тилга интилганлиги сезилиб турибди. Ёш қаламкаш чўл ҳаётини табиий ҳис этиши, чўлқуварларга хос ғайрат-шижоатга ўзи ҳам шерик эканлигини англата олиши билан эътиборга молик. Бу, ёш журналистнинг келгусида чўлқуварлар ҳаётидан мукаммал очерклар ёза олишига умид бахш этади.

Ҳикояларнинг аксарияти қисми муҳаббат темасида. Тошкентлик Енут Орифжонованинг «Муҳаббат билан учрашув» ҳикояси ҳалқонли илк муҳаббатни ардоқлайди...

«Шавкат билан Ғавҳар бир синфда — ўқишади. Ўғиллари ҳам тенг. Улар бир умрга дўст бўлишга аҳд қилишган. Йиллар ўта боради. Улғайишади. Кун ўтган сари иймонидир йўлчиб қўйётгандай хавотир қилишади. Нимани? Нақотки, ўтган бола билан бир умр дўст бўлиб қолиш мумкин бўлмаса? Нега у дўстини бошқалардан қизғанади? Болалик яхши экан. Ҳеч қандай шарт қўймаи дўст бўлиб юрган пайтлари яхши экан. Болалар катта бўлолмай, катталар бола бўлолмай доғда. Ўрта мактабнинг сўнгги синфида. 6 июль — сўнгги имтиҳондан ўтган куни сой бўйида шу ҳақда «жиддий» ўй суриб қолишади.

— Дўстликдан ҳам азиз нарса борми дунёда? — сеччарини ўйнаб гап қотади қиз.

— Бор... — дейди йигит лаблари титраб. — Дўстлик билан севги қоришса у ҳамма нарсадан азиз ва устун бўлармиш...

Орадан неча йил ўтди. Қиз ҳам, йигит ҳам бошқаларга ёр бўлди. Лекин ҳар гал 6 июль куни сой бўйига бир қиз келади. Бу — Ғавҳар. У хаёллари сувдай оқиб, сой бўйида бир зум паришон кезади. Лекин ҳеч кимни ахтармайди, аммо ниманикир толгандай оқимга ергашиб кетади. Шу куни сой бўйида бир йигит пайдо бўлади. Унинг ҳам лаблари «дўстлик билан севги қоришса ҳар нарсадан устун бўлармиш...» деб қичирлайди. У узоклан кимнидир кўриб оқимга қарши кетади.

6 июль... Ҳар сафар шу куни қиз ва йигит или муҳаббат билан учрашгали сой бўйига келади».

Ҳикоянинг қисқача мазмуни шундан иборат. Лекин у ҳар қанча завқли бўлишига қарамай, галабчан таҳririга муҳтож. Ёш қаламкаш бунинг удласидан чиқади деган умид бор.

Редакцияга келаётган ҳамма очерк ва ҳикоялар ҳам қалбни «жиз» этказавермайди. Очеркларнинг аксарияти кўпчилиги баёв тарзидаги жўн воқеалар бўлса, ҳикояларнинг кўпчилигини шахсий муҳаббат «тарихи» ташкил этади. Ҳатто баъзи авторлар ҳикояни бўлган воқеа асосида қурилганлигига ишонтириш учун қаҳрамонларнинг аниқ адреси, нем-фамилиясигача далил қилиб келтиришади. Бундай «асар»ни газетхонга тақдим этишдан мақсад нима?

С. Муҳаммедова (Тошкент), **Я. Эшимбетова** (Бухоро), **Ю. Расулов** (Қашқадарё), **О. Аирамов** (Фарғона), **З. Товашаров** (Самарқанд), **А. Рахимхўжаев** (Гулистон), **К. Матчонов** (Хоразм), **М. Исматова** (Сурхондарё), **Т. Оллаберганов** (ҚҚАССР), **А. Равулов**, **Б. Наминов** (солдатлар) ва бошқаларнинг очерк ҳамда ҳикояларида шундай нуқсонларни кўриш мумкин.

Адабиётнинг ниҳоятда қийин, лекин ниҳоятда жанрлари бўлган очерк ҳам, ҳикоя ҳам машақкатли ижод маҳсули.

Барнамол очерк — яхши ҳикоядир. Яхши ҳикоя ёзиш эса осон иш эмас. Лекин ҳар бир қалбга ёзишга ҳавас уйғонганининг ўзи табриккка лойиқдир. Зотан, донишманд Максим Горький айтганидек, ҳамма барса, ҳатто муҳаббат ҳам ҳаваслан бошланади.

Янги Китоблар

Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди:

Ҳусайн Бойқаро. ДЕВОН. РИСОЛА, 160 бет, тиражи 15.000 баҳоси 16 тийин.

Муҳаммад Фузулий. АСАРЛАР. Достонлар. Озарбайжончадан нашрга тайёрловчи: Ҳолид Расул. 240 бет, тиражи 10.000, баҳоси 1 сўм 65 тийин.

Абдулла Қаҳҳор. МУҲАББАТ. Қисса. 80 бет, тиражи 75.000, баҳоси 13 тийин.

Ёш гвардия нашриёти:

Ҳаким Назир. ТАНЛАНГАН АСАРЛАР. Икки томлигининг 1-томи. 344 бет, тиражи 15.000, баҳоси 75 тийин.

Гуллари НАМАНГАН ЭРТАКЛАРИ. Ўзбек халқ ижодидан. Редколлегия: Ойбек, Яшин Саттор Азизов, Х. Зариф, М. Алавия, Рамз Бобожон, 276 бет, тиражи 60.000, баҳоси 67 тийин.

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти:

Хофиз Таниш. АБДУЛЛАНОМА II-томи. Форсчадан филология фанлари кандидати Содиқ Мирзаев таржимаси. 396 бет, тиражи 4.000, баҳоси 2 сўм 25 тийин.



БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ зарбдор қурилишларида. Суратда: Олмалиқ химия заводи қурилишининг манзараси.

И. Глауберзон фотоси.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Планетамизда

МИНИСТРЛАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА

БРЮССЕЛЬ, 23 июль. (ТАСС). Европа ҳамжамиятлари министрлари кенгашининг кеча бу ерда ташқи ишлар министрларидан иборат навбатдаги сессияси очилди. Бу сессия деярли нуқул ташқи сиёсий проблемаларга бағишланди.

Сессия Англия, Ирландия, Дания ва Норвегиянинг «Умумий бозор»га қабул қилиш тўғрисидаги илтимосларини кўриб чиқади.

Франция ташқи ишлар министри М. Шуман кеча сўзга чиқиб, Франция бош министри Шабан-Дэмаснинг «башарти Англияни қабул қилиш Европа иқтисодий ҳамжамиятини заифлантиришга олиб келмаса» уни қабул қилса бўлади, деб илгари айтган гапларини такрорлади.

Исроил мудофаа министри Моше Даян яна араб мамлакатлари шаънига жанговар баёнотлар ва қўполдан-қўпол дўқ-пўписалар ёғдира бошлади. Генерал Сувайш канали бўйлаб ўтадиган ўт очишни тўхтатиш чизиғига уч кунлик сафарга боргандан кейин Исроил тўпларининг садоси остида унинг яна лақмалиги тутиб кетди. У ўз баёнотида, хусусан қўл остидаги қўшинлари «позицион (узоқ муддатли) урушга ўтганлигини» билдирди. Генерал штабчасига айтилган бу сўз билан Исроил урушқоқларининг янги игвогарликларини ниқобла ш г а уринди.

Моше Даян кўп баёнотлар эълон қилади, хитобномалар чиқаради, саволларга жавоб беради, телевизор орқали гапиради. Генерал ўт билан ўйнашини яхши кўрадими ёки бироварни чўчитиб, лаззатланадими, бунисин номаълум. Бироқ, Яқин Шарқда сўнаётган уруш чўғини пуфлаб яна ёнгинасини ёқишга уринмоқда.

Лекин бу афсонага ишонтириш тобора мушкуллашиб бормоқда. Мудофаа министрининг ўзи бу афсонага ишонмайди.

ХАТАРЛИ ЙЎЛДАН

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

Унинг «буюклиги» ҳақида гаплар фақат гаплигича қолмоқда. Тель-Авивнинг ҳар бир янги игвоси бу афсонани пучга чиқармоқда. Ҳозир араб армияларининг қудрати ва жанговарлиқ қобилияти кескин ўсган. Исроилнинг урушқоқларининг бирорта хуружи жавобсиз қолгани йўқ. Араб ватанпарварлари Тель-Авив нинг ҳар бир игвосига уриб тушириларган самолётлар ва чўктирилган ҳарбий кемалар, ёндирилган танклар ва порталатилган ракета майдончалари, ўлдирилган, яраланган солдат ва офицерлар билан жавоб бермоқда.

Исроил ҳукмрон доиралари БМТнинг бу нуфузли ташкилотига қўпол хуруж қилишдан бошқа тузукроқ чора топишолмади. Улар аксинча, ўт очишни тўхтатиш чизиғида янги игволарни авж олдириб, босиб олинган араб ерларида жабр-зулмни кучайтирмоқдалар. Ҳозир Голда Меир ҳукумати арабларга қарашли ерларни яна ўзлаштириш, кўплаб иордан оилаларини ўз уйларидан ҳайдаб чиқариш масаласини муҳокама қилмоқда. Шунингдек Иордания тупроғида бир қанча янги манзилгоҳлар ташкил этилмоқда. Тель-Авив ўт очишни тўхтатиш чизиғида вазиятнинг гоят кескинлаштириб, жаҳон жамоатчилигини чалғитишга уринмоқда.

Аммо ҳар бир фаросатли одамга шу нарса равшанки, на тишларигачагача қуролланган Исроил армияси, на империалистик давлатларнинг саҳий ёрдами ҳақ иш учун курашаётган халқларнинг иродасини бука олмайди. Буни жаҳондаги кўп одамлар, ҳатто Исроилнинг ўзидаги айрим кишилар ҳам тушуниб қолишди. Шу муносабат билан Исроилда Яков Рифгин раҳбарлигидаги янги сиёсий группа пайдо бўлганини айтиш керак. Парламент сайловларига ўз номзодларини таклиф қилаётган бу янги ташкилот сулҳ программасини ишлаб чиққан. Программада БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорини тан олиш ва босиб олинган араб ерларидан Исроил қўшинларини олиб чиқиб кетиш кўзда тутилган.

Исроилнинг ўзидаги янги оппозиция Тель-Авивнинг сиёсий йўлидан норозилик ўсиб бораётганлигини яна бир карра кўрсатиб турибди. Куч-қуввати ортаётган араб армиялари босқинчиларга тобора қатиқроқ зарба бермоқдалар. Сайёрамиздаги тинчликсевар халқлар, айниқса Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлари и н г халқлари босқинчиларни жиловлашни қатъий талаб қилиб чиқмоқдалар. БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар араб халқларини тобора кўпроқ қўллаб-қувватламоқдалар. Шундай экан генерал Даяннинг дўқ-пўписаларидан ҳеч ким чўчимайди.

О. ДЕМЕНКО, АПН.

«АПОЛЛОН-11» ЕР ТОМОН УЧМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 23 июль. (ТАСС). «Аполлон-11» космик кемаси Ерга яқинлашиб келмоқда. Ўтган кечаси Ой — Ер трассасида учиш йўналишини биринчи марта тўғрилаш ўтказилди. Космонавтлар марш двигателини ўн секунд мобайнида ишга солдилар. Шундан сўнг кемаининг тезлиги бирмунча кўпайиб, у Ер сари аниқланган парвоз траекториясига ўтди.

Ердан 290 минг километр масофада режалаштириб қўйилган телевизион сеанс ўтказилиб, бу пайтда космонавтлар Ер ва Ойнинг космосдан туриб қарагандаги кўринишини, кемаининг ичини кўрсатдилар. Ернинг телевизион тасвири кўрсатилаётган чоқда космонавт Олдрин «меҳмондорчилик кўп яхши нарса бўлсада, аммо ўз уйим-ўлан тўшагим», деб хазиллашди.

Бугун эрталаб, космонавтларнинг навбатдаги ҳордиқ чиқариши бошланди. Улар ўн соат ҳордиқ чиқарадилар.

Ернинг тортиш кучи таъсирида «Аполлон-11» тезлиги ошиб бормоқда. Кема 24 июль куни Москва вақти билан соат 19 дан 49 минут ўтганда Тинч океанда Гавай оролларидан тахминан 1900 километр ғарби-жанубда сувга қўниши кутилмоқда.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 23 июль. (ТАСС). «Аполлон-11» космик кемаси Ер томон парвозини давом эттирмоқда.

Хьюстондаги (Техас штати) парвозлар бошқармаси марказидан олинган хабарларга қараганда, кемаининг ҳамма системалари нормал ишлаб турибди. Космонавтлар бугун ўн соат мобайнида дам олишди. Ер томон парвоз траекториясини кечиктириб иккинчи марта тўғрилаш мўлжалланган эди, бу тадбир амалга оширилмайдиган бўлди.

Космик кема ерга яқинлашиб борган сари ўз тезлигини доим оширмоқда. Москва вақти билан соат 19 дан 30 минут ўтганда «Аполлон-11» ердан 210.852 километрлик масофада эди.

Совет байроғи остидаги пассажир ва юк кемалари Туркия портларига тез-тез келиб туришади. Суратда: совет пассажир лайнери «Шота Руставели» Стамбул портида.

Н. Кудряшев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ЯНА БИР ТАЖОВУЗ

АММОН, 23 июль. (ТАСС). Қуролли кучлар вакили Иордания пойтахтида гапириб айтдики, кеча Исроилнинг олтита қирувчи реактив самолёти Иордан дарёси водийсининг шимолий қисмидаги районларга ракеталар отди. Тиврисад кўлининг жанубидаги Шайх Наам ва Ас-Сувайла районларига душман авиацияси ҳужум қилди.

Вакил «бизнинг қуруқликдаги қўшинларимиз жангга киришиб, зенит тўпларидан ва бошқа тўпларидан ўт очиб, душман самолётларини оккупация қилинган территорияга қочиб кетишга мажбур этди», деди ва Иордания қўшинлари талафот бергани йўқ деб таъкидлади.

Иордания қуролли кучларининг вакили яна шуни ҳам айтдики, 21 июлда Иордания қўшинлари билан Исроил қўшинлари ўртасида шиддатли тўп отишмаси ўн минут давом этди.

ХАЛҚАРО ФЕЛЬЕТОН

ҚОНЛИ ФУТБОЛ ЎЙИНИ

Футбол майдонида гоҳо шундай бўладики, мудофаага ўтган команданинг ўйинчиси ўз дарвозасига гол уриб қўяди. Лекин, бутун ўйин давомида икки команданинг ўйинчилари қадеб ўз дарвозаларига гол ураверишини халигача кўз ҳам кўрмаган, қулоқ ҳам эшитмаган. Қизиғи шуки, ҳозир ана шу «камчиликни тузатиб қўймоқчи бўлган одамлар ҳам топилиб қолди.

Бу шундай бир нодир воқеаки, бу ҳақда батафсилроқ тўхтаб ўтишга арзийди.

Гап бундай бўлганди: Гондурас ва Сальвадор миллий терма командаларининг футбол бўйича дунё биринчилиги учун ўйинларда қатнашиш ҳуқуқини олиш учун бўлган икки учрашувида ҳам ғолиб аниқланмаганди. Ҳар бир команда ўз майдонида ютганди. Мексикада бетараф майдонда ўтказилган ҳал қилувчи учрашувда сальвадорликлар ғолиб чиқди. Шундай қилиб футбол жанжали ҳал бўлди. Бироқ, бу ўйинлар тевирагида шундай воқеалар юз бердики, уни сиёсий футбол дейиш мумкин. Негаки, бу сиёсий футбол чиндан ҳам фожиали оқибатларга олиб келди.

Кимнингдир катта тажрибали қўли билан футбол матчлари тевирагидаги жазаваларга шу даражада ҳучайиб кетдики, бу икки мамлакат ўртасида иш мунтазам қўшинлар, авиация ва артиллерия қатнашган ҳақиқий урушгача бориб етди. Ҳар икки томондан бирнеча ўн киши ўлди ва ярадор бўлди. Бу ҳам етмагандек, Гондурасда у ерда яшайдиган сальвадорликлар кўплаб қирғин қилинди. Бунга жавобан сальвадорда гондурасликлар қирғин қилинди. Бу ердаги қурбонлар бир неча юзга етди.

Ғарб матбуоти ана шу воқеаларга «футбол уруши» деб ном қўйди ва бу билан масаланинг асл моҳиятини яширib, бутун айбни ҳар икки мамлакат ўта сергавлиқ футбол ишқибозларига тўнқамоқчи бўлди. Лекин, чегара тўқнашувлари ва одамларнинг қирғин бўлганини футбол ўйинларининг давоми деб кўрсатиш, фожианинг ҳақиқий сабабини онгли равишда бўяб кўрсатиш бўлур эди. Агар Гондурас ва Сальвадорнинг ноҳуш воқелигидан баъзи фактларни эслатиб ўтилса, бу сабабларни тушуниб етиш қийин эмас.

Унча катта бўлмаган бу Латин Америкаси давлатлари бутун дунёга кўпчилик аҳолисининг ҳаддан ташқари қашшоқлиги, айни вақтда бир хоуч ер эгаларининг эртаклардагидек бойлиги ҳамда милитаристларнинг террори эўрлиги, бу жойларда Шимолий Америка монополияларининг зўравонлик билан хўжайинлик қилиши билан танилган. Бироқ, сўнгги йилларда озодлик ҳаракати тўлқинлари шу «банан республикалари»га ҳам етиб келди. Социал жанг шундай кенг ёйилдики, мазлумлик ва қулликнинг бутун системасини қўпориб ташлаш хавфи туғилди. Янки империализми воқеаларнинг бундай боришига йўл қўймаслик учун, маҳаллий «тренерлар» билан тил бириктириб, Гондурас ва Сальвадорда шовинистик эҳтиросларни авж олдиришди, шу мамлакатлар аҳолисининг диққат-эътиборини ҳақиқий проблемалардан четга чалғитишга, бошқача қилиб айтганда, уларни ўз дарвозаларига гол киритишга мажбур этишга ахд қилдилар. Лекин улар мақсадларига эриша олдилар, деб бўлмайди.

Шу кунларда Латин Америкасидаги шу икки мамлакатнинг прогрессив, демократик жамоатчилиги бу бехуда қон тўкишларга хотима бериш, қонли футбол ўйинининг чинакам ташкилотчиларини фош қилиш учун ҳамма чора-тадбирларни кўрмоқда.

Вл. ЖУКОВ. (АПН).

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ЎРТА АСР МЕЪМОРЧИЛИГИНИНГ ЕДГОРЛИГИ

Тяньшань тоғларидаги баланд қояда жойлашган XI аср меъморчилигининг машҳур ёдгорлиги — «Шоҳ Фозил» мақбараси тикланади. Фрунзе шаҳрида мақбарани тиклаш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўрта Осиё меъморчилигининг ёдгорликлари орасида «Шоҳ Фозил» архитектураси ўзига хос ажралиб туради. 15 метр баландликда куб шаклида ишланган бинога бурчакларидаги қатор қирқма супачалари гоят ярашиб тушган. Мақбаранинг ўймакор устунлари бор. Нақшлари хилма-хил, деворларидаги лавҳалари гўзал. Мақбара гумбази остида — пештоқларида ойнаванд дарчалар қилинган.

Маҳаллий аҳоли орасида юрган афсоналарга кўра, мақбара ҳалок бўлган 2700 жангчи хотирасига қурилган.

Я. ЛИВШИЦ,
(ТАСС мухбири).
Фрунзе.

БЕОЗОР АКУЛА

Ҳақиқатдан ҳам бу гап ғалати туюлади. Акулалар (уларнинг неча юз хил тури бор) денгизнинг даҳшатли йиртқичлари эканлигини ҳамма билади. Лекин улар орасида ҳатто майда балиқларга ҳам мутлақо зарар етказмайдиган «беозор» акула бор экан. Кит акуласи — шундай акула ҳисобланади. Унинг шундай ном олганлигига сабаб бу акула мўйлабли китлар сингари планктон (океан сувидаги жуда майда — қариб микроскопик жониворлар) билан озиқланади.

Кит акуласи — ҳозирги мавжуд балиқлар орасида энг йириғидир. Унинг узунлиги 15-17 метрга, вазни эса 10 тоннага қадар боради. Кит акуласи (эни 2 метрга қадар боради) баҳайбат оғзини кенг очиб, сувни жабраси орқали сизиб ўтказади ва майда ўлжасини ютади. У жиғилдонига каттароқ жонивор ўтиб кетмасин учун шу таҳлитда овқатланади.

Кит акуласи баҳайбат бўлишига қарамай, ниҳоятда беозор денгиз маҳлуқидир. У ҳаётининг кўп қисмини секин сузиб ёки қариб океан бетида қалқиб ўтказади. Унинг елка ва дум сузгичларигина сувдан чиқиб туради. Айниқса тунда кемаларинг кит акулаларига тўқнашиб кетиши тез-тез рўй беради.

Кит акуласининг гўштини истеъмол қилиб бўлмайди. Ундан чорвага бериладиган ун тайёрлашда фойдаланилади. Аммо, буйрагининг ёғи «А» витаминига гоят бой бўлганлигидан қиммат турадиБир акуладан 100 килограммгача ёғ олинади.

Н. МЯСНИКОВ,
(ТАСС мухбири).
Москва.

ҚАДИМГИ ТАНГАЛАР ТОПИЛДИ

Колхозобод районидаги Ленин номли колхоз аъзоси Урол Хушвақтов ғалати ёзувлари бўлган ва қорайиб кетган 200 та танга топди. У уй қурмоқчи бўлиб тепаликдан жой танлар экан, бир метрча чуқурликда оддий хумча топди. Бугунги кунда ҳам ўтмоқ қишлоқларида шунақа хумчалар бор. Лекин бояги хумчадан ўртаси тешик жуда кўп танга чиқди.

Тангалар келтириб топширилган Тожикистон Фанлар академияси тарих институти мутахассисларининг дастлабки фикрига кўра, бу тангалар VII-VIII асрлар ҳуки сурган тоҳирийлар давлатининг замонига тегишли. Тожик археологи Эркинной Ғуломова «Колхозобод тангалари» яқинда «Ажина тепа»дан топилган тангаларга «эгиздир», деди «Ажина тепа» ғарбида XIII аср яшириниб ётган уйқудаги будданинг улкан ҳайкали топилган эди. Янги топилган тангани ўрганиш Тожикистон қадимги тарихининг баъзи баҳсли масалаларини ҳал этишга имкон беради.

Р. РАҲИМОВ,
(ТАСС мухбири).
ДУШАНБА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Музикали драмалардан парчалар, 9.30 — Куйлардан-куйларга. 9,50 — Халқаро мавзуларда суҳбат (тожикча). 11.15 — «Аҳолига — граждан мудофаси ҳақида» (русча), 13.30 — Вальс концерти, 15.15 — «Замондошлар», 15.30 — Ленин ва Давлат мукофотига тавсия этилган асарлар, В. Кочетов «Тушиш бурчаги» (романдан парча), 16.10 — Музикали соат (ёшлар учун), 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 17.00—С. Юдаков, «Кашмир қўшиғи» (адабий-музикали композиция), 18.00 — «Болаларни атеистик руҳда тарбиялаш — ҳар бир кишининг бурчи» (суҳбат), 18.10 — Совет экрани куйлари, 19.20 — Татар куйлари, 20.00 — «Ўзбекистон қурилишларида» радиожурнали (русча), 20.30 — Концерт (саноат ходимлари учун), 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 — Концерт (қишлоқ механизаторлари учун), 22.20 — Халқ қўшиқлари, 22.40 — «Ленин ўтмиш маданияти ҳақида» (суҳбат), 23.15 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.35 — **Телеянгиликлар.** 18.50 — **Узбекистон комсомоли («Ёшлик» студияси).** 19.30 — **Сиз учун ишлайдиганлар ҳақида** (болалар учун қўғирчоқ фильм). 19.50 — **Музикали программа.** 20.30 — **Кўрсатишлар программаси ва реклама.**

Узбек тилида: 20.40 — **Телеянгиликлар.** 20.55 — **«Олтин водий» программаси.** 22.05 — **«Трест» операцияси** (телевизион бадиий фильмнинг тўртинчи серияси).

23.30 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ КЎРСАТИШЛАР ПРОГРАММАСИ

Узбек тилида: 18.00 — **Иншони қандай ёзмоқ керак?.** 18.20 — **Атрофимизни қуршаган дунё.** 19.00 — **Математика** (абитуриентлар учун).

19.55 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 — **Симфоник оркестр чолғу асбоблари. Гобой.** 20.40 — **Беш йиллик илғорлари.**

Рус тилида: 21.00 — **Сибирь балети Японияда** (ҳужжатли фильм). 21.30 — **Лисистрата** (телеспектакль).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/VII да **Нурхон,** 26/VII да **Гавҳари шамчироғ.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Оила жанжали — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Доктор Абст тажрибаси — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда). «ЧАЙКА» (эрталаб соат 11-45 ва кундуз 1-30 минутда).

Бомбай туғ оғушида — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Дўстим Нодар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Кашмирдаги севги (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Йўлнинг ўндан бири (эрталаб соат 10, кундуз 1-20 минут, 5 ва кеч 9 да). **«24—25»** қўйтмади (эрталаб 11-40 минут, кундуз 3 ва кеч 7 да) — «МОСКВА».

Оқ рояль — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун, жуфт соатларда).

Қор аёл ҳақида афсона — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10-40 минутда бошланади)

Оқ рояль — ТЕЛЬМАН номли.

30-САРИОҒОЧ ҚИШЛОҚ ПРОФТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича 1969-70 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

кенг профилдаги тракторчи-машинист (ҳаваскор шофер гувоҳномаси ҳам берилади), **мелиорация ишлари механизатори, ремонтчи-слесарь, қишлоқни электрлаштириш бўйича электромонтёр** — ўқиш муддати 2 йил;

3 класс тракторчи-машинисти, слесарлик касби билан шофер-профессионал, бульдозер, скрепер, грейдер машинисти, ошпаз, сувоқчи, гишт теруvчи, дурадгор, қишлоқ хўжалик экинларини суғориш бўйича уста, узумчи-боғбон — ўқиш муддати 1 йил,

8 синфни тугатган 15 ва ундан катта ёшдаги, шунингдек 1 йиллик ўқишга камида 7 синф ҳажмида маълумотли 17 ярим ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Кабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўладилар.

Кирувчилар оила аҳволи ва турар жойидан справкалар, маълумоти ва туғилганлиги тўғрисида гувоҳномалар, таржимаи ҳоли фотосурат топширадилар. Паспорт ва ҳарбий билетларини шахсан кўрсатадилар Совхоз, колхоз, болалар уйидан йўлланма билан келганлар ва Совет Армияси safидан қайтганлар биринчи навбатда қабул қилинадилар.

Билим юртида 7 дан 11 синфгача кечки мактаб ҳам мавжуд

Аризалар 1 сентябргача қабул қилинади, машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Чимкент область, Сариғоғоч шаҳар (Шаҳар чеккасига қатнайдиган «Тошкент — Ченгелди» поезди ва «Тошкент—Сариғоғоч» автобуси билан бориш мумкин).

46-КЕЧКИ-СМЕНАЛИ ШАҲАР БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги касбларга ўргатиш учун

1969-70 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

телеграфчи, тональ ва абонент телеграфи ускуналари бўйича механиклар (йигит ва қизлар). **АТС механиклари** (қизлар), **ШТС механиклари** (йигитлар), **МТС механиклари** (йигит ва қизлар), **электр земснаряд машинистлари, киномеханиклар** (стипендия берилмайди), **станция монтёрлари** (қизлар) **кабельчи-қалайловчилар** (йигитлар).

Тошкент ва Сергелида пропискаси бўлган 16 ва ундан катта ёшдаги 8-10 синф ҳажмида маълумотлилар имтиҳонсиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати 6 ойдан 1 йилгача.

Машғулотлар 1 сентябрь кундуз соат 3 дан бошланади.

Қабул қилинганлар 45 дан 69 сўмгача стипендия билан таъминланади.

Электр земснаряди машинистлари группасига Тошкент шаҳар ва областида яшайдиганлар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 7-уй (2 3-трамвайларнинг «Первомай», 1, 4, 18, 19, 20, 23, 24, 59-автобуслар, 1, 3, 4-троллейбусларнинг «Революция ҳиёбони» бекатлари).

ТОШКЕНТ-ИНДУСТРИЯ-ПЕДАГОГИКА ТЕХНИКУМИ

1969-70 ўқув йили учун

қуйидаги касблар бўйича кундузги ва сиртқи бўлимларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

Ишлаб чиқариш жиҳозларини монтаж ва ремонт қилиш, металларни несиш усули билан совуқ ишлаш, саноат ва граждан қурилиши.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 4-Сариқўл тупиги, 1-уй.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336543. Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия гурмуши — 333469. Мирзиян-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216. Халқаро ҳаёт — 337904. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат, қишлоқ қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333353. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 3381 42. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон — 49—85, Бухоро 43—141, Қарши 22—62, Наманган 21—88, Нукус 42 - 62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ Б. — 171. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633 Р. 14465.